



O'ZBEKISTON OVOZI

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Хурматли меҳмонлар! Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унутилмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами. Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришди, эркин нафас олиб, ўз тақдирини ва келажagini ўз қўли билан қўриш жажоҳидига биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қерда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган, эски мустақиллик тузуми асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бирёқлама ривожланган, фақат хомашё етказиб беришга, мутлақ пахта аккахоқимлигига асосланган иқтисодиётимиз гоёт ночор аҳволга тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолиимизнинг сартб-қосаси бўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, поғлаб кетиш ҳолатига етиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айни шу йиллардаги мавжуд вазият бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хужуж, зуғум ва ғўпсалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик гоёсига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўлиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қўриш ва мустақамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли эса барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоатига ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига ҳаяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолиимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўлдир.

Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда «Ўзбек модели» деб ном олган энг тўғри йўл, десам, ана шу мухташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламиз.

Ўтган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, қўлаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялли даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларидан қандай улкан марраларни қўлга киритганимизни намоян этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётганига қарамаздан, Ўзбекистонимизнинг янги ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охириги беш йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги қўлаб-қўлаб иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганининг аққол далилидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд қўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз авваламбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим! Биз қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, заманини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари муҳассам, деб қатта гурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу соҳаватли заминда «Ўзбекистон — ягона ўлкамиз» деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марраларга меннинг ҳам муносиб меҳнати, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайрихоҳ бўлиб, қўлаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келгаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга руҳлат бераёйсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юракдан қўлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изхор этсак, айни муддао бўлади.

Қадрли юртдошлар! Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк ютуқимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва касб-хунларнинг пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоян этиб ўтирган, меннинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимга, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар бериб, она юртимизни омон сақлаган, бизга беэавол етказган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бу йўлда қандай қатта меҳнатлари синганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Мана шундай ҳиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яққо ягона бўлган Ватанимизни янада гуллатиб-яшнаттиш, унинг ёруғ ва фаровон келажиги учун бутун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимизнинг дилида бўлган олижаноб туйғуларни ифода этган бўламиз.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим! Бугунги улғў айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«Мустақиллик», «Озодлик», «Хуррият». Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улғў, энг азиз, энг ардоқли, энг ҳузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда, бўйнида бўйинтириқ, оёғида кишан билан яшаш қанчалик қатта фожиа — бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт — олий саодатдир.



Буюк ва муқаддас Ватаниннг улғў байрами

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Бундан йигирма йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли буюк аждодлари башарият цивилизациясига, илм-фани ва маданияти ривожига беқийс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намояни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида қатта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Шу кунларда халқимиз ана шу буюк тарихий сана, азиз неъмат — ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу қутлғў байрам мамлакатимиз бўйлаб «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!» деган эзгу шior остида тантана қилинаётир. Бу қалбларимизга чексиз фахру ифтихор, гурур бахш этади.

Мана шу шуқудли дамларда ҳар биримиз мустақилликнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, истиқлолнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу шу-уриимиздаги оламшумул ўзгаришларнинг асоси бўлганини янада теранроқ англаймиз.

(Давоми 2-бетда.)

Фидойилар хотирасига эҳтиром

Шонли йигирма йиллигини нишонлаётганимиз мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир кун халқимиз учун нақадар азиз ва муътабар экани бугун шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топомқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани, 31 август юртимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланиши халқимизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улғў, энг азиз байрамимиз арафасида «Шаҳидлар хотираси» хиббони зиёратчилар билан янада гавжумла-

шадди. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира туйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, хуррият ва озодлик неъматининг қадрини янада чуқур ҳис этади. Бугунги тинч ва осойишта кунларга, инсон қадр-қиммати улғўланган буюк ва муқаддас юртда яшаётганига шукроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустақам-

лашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

31 август. Тонг. «Шаҳидлар хотираси» хиббонда халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Аънанага кўра ош тортиди. Қурьон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

(Давоми 3-бетда.)

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Мазкур табриқномаларда улар қизгин муборакбод сўзларини изхор этиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилақларини йўллаганлар.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обама, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Германия Федератив Республикаси Президенти Кристиан Вульф ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бақ йўллаган табриқномаларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз мустақил ва суверен давлат сифатида ўзининг 20 йиллик байрамини нишонлаётган шу кунларда мен Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни йўллашдан бахтиёрман. Америка Қўшма Штатлари 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олиб, 1992 йилнинг март ойида Тошкентда ўз элчиюнасини очган эди.

Уша пайдан буён биз ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган мустақам шериклик муносабатларини ўрнатиб бораёмишда ҳамкорликка иш олиб бормоқдамиз. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан тинч-осойишта, гуллаб-яшнаётган ва демократик жамиятни ривожлантириш борасида ишончли ҳамкор бўлиб қолаверади.

Шу боис биз иқтисодий алоқаларимизни кенгайтириш, экология муаммоларини ҳал этиш, терроризм ва экстремизмнинг умумий таҳдидларидан ҳимояланиш, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги ҳамжihatлиқни мустақамлаш йўлидаги ҳамкорлигимизни давом эттириш имкониятини қадрлаймиш.

Биз Ўзбекистон ўз тарихидаги мазкур муҳим санани нишонлаётган бир пайтда, мен халқларимиз ўртасида яна ҳам яқин ўзаро алоқалар ривожланиб бораверишини қизгин қўлаб-қувватлайман. ҳамкорлигимиз келгусидаги қўлаб ўн йилликлар мобайнида ҳам юксалиб бораверишига умид қиламан, ушбу тарихий сана муносабати билан гоёт қизгин тилақларимни тўла-қабул қилгайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

Барак ОБАМА, Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунини муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 20 йиллик даврида иқтисодий, социал ва ижтимоий-сиёсий, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида қатта йўлни босиб ўтди.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари муттасил кенгайиб бормоқда. Мунтазам сиёсий алоқалар, ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги мулоқотлар, жаҳонда рўй бераётган глобал жараёнларга нисбатан умумий нуқтаи назаримиз долзарб масалаларни мамлакатларимиз манфаатлари асосида ижобий ҳал қилиш имконини бермоқда.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро яқин ҳамкорлик халқларимиз манфаатлари, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлида бундан буён ҳам мустақамлашиб бораверади.

Энг эзгу тилақлар ила,

Дмитрий МЕДВЕДЕВ, Россия Федерацияси Президенти

(Давоми 3-бетда.)

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кўни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига шахсан ўз номидан ҳамда барча ватандошларим номидан гоят самимий қутловларимни йўлайман.

Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритганидан буён ўтган 20 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида кўп томонлама муносабатлар мустаҳкам қарор топди ва биз бу муносабатларни бундан буён ҳам ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Ўтган давр мобайнида Германия Ўзбекистон Республикасини, энг аввало, замонавий давлат тузилиши ҳамда демократик ва бозор тузилмаларини шакллантиришда кўллаб-қувватлаб келди. Мустақилликнинг 20 йиллиги жуда муҳим даврлар. Германия Ўзбекистоннинг ислохотлар ўтказиш борасидаги сай-ҳаракатлари-дан бундан буён ҳам унинг ишончли ше-

риги бўлиб қолади. Хусусан, парламентларимиз ўртасидаги мулоқотларни ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш масалалари юзасидан ҳамкорликни янада фаоллаштиришни истардик.

Мамлакатларимиз хавфсизлигини таъминлашга оид ҳамкорлик доирасида Афғонистондаги барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Термиз аэропортидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан Германия Куролли Кучларининг АЙСАФ доирасидаги миссиясини амалга оширишида кўрсатаётган ёрдамнинг учун Сизга ўз миннатдорлигини изхор этаман.

Сизга ва оилангизга омонлик ва соғлиқ, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик тилайман. Эҳтиром ила,

Кристиан ВУЛЬФ,
Германия Федератив Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Сизга корейс халқи номидан энг самимий қутловларимни йўллаш менга гоят катта мамнуният бағишлайди.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, икки томонлама муносабатларимиз жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор этаман ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик

шериклик янада чуқурлашиб боришни тилаб қоламан.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси халқлари ўртасидаги муштарак манфаатларга, ўзаро ҳурмат ва дўстликка асосланган ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам мустаҳкамлашиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ли Мён БАК,
Корея Республикаси Президенти



Қўйдагилар ҳам ўз табриқномаларини йўллаган:

- Япония Императори **АКИХИТО;**
- Буюк Британия Қироличаси **ЕЛИЗАВЕТА II;**
- Рим-католик черкови раҳбари **Папа БЕНЕДИКТ XVI;**
- Малайзия Қироли **Туанку Мизан Зайнал Абидин ибни ал-Мархум Султон Махмуд АЛ-МУКТАФИ БИЛАН ШОХ;**
- Эрон Ислон Республикаси Президенти **Махмуд АХМАДИНЕЖОД;**
- Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз БУТЕФЛИКА;**
- Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Зиллур РАХМОН;**
- Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Маҳиңда РАЖАПАКСА;**
- Энергетика Хартияси Бош котиби **Андрэ МЕРНЬЕ;**
- Ислон тараққиёт банки президенти **Аҳмад МУҲАММАД АЛИ**
- Корея савдо-саноат палатаси раиси **Сон Кюнг ШИК;**
- Москва ва Бутун Русь Патриархи **КИРИЛЛ;**
- Франция Сенатидаги «Франция-Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси, Де Севр минтақаси сенатори **Андре ДЮЛЕ;**
- Франция миллий ассамблеясидаги «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси, Буш-дю-Рон минтақаси депутати, Марсель шаҳри мэрининг биринчи ўринбосари **Ролан БЛЮМ;**
- Сорбонна университетини профессори, Франция денгизорти ҳудудлари академиясининг аъзоси, «Ўзбекистон геосиёсати» китобининг муаллифи **Жак БАРРА;**
- Ўзбекистон-Британия савдо ва саноат кенгашининг ҳамраиси, Британия-Ўзбекистон Жамияти раиси **Доктор Хартли БУТ**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Самимий табриқлар

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов номига қатор хоржий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху!

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий дўстона табриқларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу қутлуғ айёмда Яратгандан Сиз, Жаноби Олийларига сихат-саломатлик

ва бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, бутун ислом умматига осойишталик ва кўт-баракат ато этишини сураб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ОЛ САУД,
Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи

- Шу жумладан, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, мудофаа ва авиация вазирли, Бош назоратчи Султон бин Абдулазиз ОЛ САУД;
- Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Ақинчи бин АЛ-ҲУСАЙН;
- Туркменистон Президенти Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ;
- Тожикистон Республикаси Президенти Имомали РАҲМОН;
- Қирғизистон Республикаси Президенти Роза ОТУНБАЕВА;
- Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Ҳамид КАРЗАЙ;
- Мальдив Республикаси Президенти Муҳаммад НАШИД;
- МДҲ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх-ул-ислом Оллоҳшуккур ПОШОЗОДА

томонидан йўлланган табриқларда қодир Оллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истақлар билдирилган.

Табриқлар келиши давом этмоқда.

Фидойилар хотирасига эҳтиром

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бунинг нақадар асосли ва теран маъно-мазмунга эга экани Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллиги нишонланаётган шу кунларда яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Биз мустақиллик, тинчлик-осойишталик каби неъматларнинг нақадар улғу ва қадри эканини аввало ана шу йўлда курашган, керак бўлса жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг мураккаб ҳаёт йўлида кўрамиз, деди Президентимиз Ислон Каримов. Маълумки, мустақил тузумдаги мудҳиш қатағонлар, аввало, миллатимизнинг энг сара фарзандлари — зиёллар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг қадр-қиммати топталди, ҳаёти пой-мол этилди.

Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан борар экан, тарихий адолат қарор топди. Халқимизнинг миллий ва маънавий дунёсини юксалтириш ана шу тарихий ҳақиқат, аждодларимизнинг кўрсатган жасорати ва матонати, фидойилиги тимсолида амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу бугунги фаровон ҳаётимиз, хотиржам ўтказаятган кунларимиз, юртимиздаги тотувлик ва бирдамликни асраб-авайлаш, қадрига етишда фарзандларимиз учун катта ибрат мактабидир.

Ёшлар ўз юртини севиши учун аввало ота-боболарининг жасоратини, ҳозирги ёруғ кунларга қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаши, шунга муносиб бўлиши лозим, деди Президентимиз.

Биз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ демократик давлат ва

фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз асрлар давомида орзиқиб турган озод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Йигирма йиллик тарраққиёт йўлимизга назар солсак, олдимизга қўйган ана шу олий мақсадларга эришиш, том маънода буюк давлат барпо этиш йўлида қандай улкан қадамлар қўйилганини кўриш, сезиш қийин эмас.

Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича қатнай бошлаган тезорар поезд истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда қатнашган, аввало, миллатимизнинг энг сара фарзандлари — зиёллар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг қадр-қиммати топталди, ҳаёти пой-мол этилди.

Тарихан қисқа даврда биз ана шундай бетимсол ютуқларга эришмоқдамиз, деди давлатимиз раҳбари. Бугун бундай поезд дунёнинг бор. Истиқлол тўғрисида Ўзбекистон ҳам ана шундай жуда кам сонли илғор мамлакатлар сафидан жой олди. Бу нафақат темирйўлчиларимизнинг, балки бугун халқимизнинг ютуғидир.

Кўни кеча ишга туширилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасини олайлик. Бу улкан ва замонавий заводда ўзимизнинг ёшларимиз меҳнат қилапти. Улар энг замонавий технологияларни бошқармоқда. Бу корхонадан чиққан маҳсулотлар дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинади. Бундан фахрланмай, гуруҳларимиз бўладими, деди Президентимиз.

Ўзбекистон ИДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб ана шундай мураккаб технологияли ишлаб чи-

қариш корхонасини бунёд этди. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқара олишига ишончсизлик билан қараганларнинг истеҳзоси асосиз эканини ҳаёт исботлади. Булар халқимиз улкан бунёдкорлик салоҳиятининг самараларидир.

Кўлга киритаётган ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маданият ва салоҳиятга эга халқ эса янги-янги марраларни кўлга киритаверади, деб таъкидлади Ислон Каримов. Ўтган йигирма йил мобайнида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйилган, биз ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаганмиз ҳам, деган ҳаётий мақсаднинг амалдаги ифодасидир.

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, халқимиз учун бундан ҳам юксак даражадаги шарт-шароитларни яратиш бизнинг эзгу мақсадимиздир, деди Президентимиз. Ўзини шу муқаддас Ватанинг келажаги учун дахлдор деб биладиган ҳар бир инсон бунга нафақат аҳли англайди, балки шунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Муқаддас айвонларнинг кўшалок келиши ҳам юртимизга ёғилаётган хайр-баракат, эртанги кунга бўлган ишонч ифодасидир.

Шу кун Президентимиз Ислон Каримов мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рами бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртимизнинг бош майдони ва унга туташ бўлган Анҳор бўйи сўнгги йилларда гоят кўркам ва сўлим масканга айланди. Серсоя дарахтлар, турфа гуллар, оқайтган зилот сув — бу бетакрор манзара майдонга ўзгача гўзаллик ва осудалик бағишлаган.

Пойтахтимиз ва юртимизнинг барча жойларида яратилаётган мана шундай гўзал ва ҳушманзара масканлар аввало юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг ўзига хос кўрқидир, деди Ислон Каримов. Бундай масканлар инсонни эзгуликка ундайди. Гўзаллик эса яхшилик, эзгулик тўғриси яратди, одамлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик ришталарини ривожлантиради. Шунинг учун бундай ҳушманзара жойларни юртимизнинг барча ҳудудларида янада кўпайтириш даркор.

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган гап бор. Шу боис фарзандларимиз тарбиясида бундай сўлим масканларнинг ўрни беқийёс. Чунки инсон психологияси шундай: нимани кўрса онги, тафаккури ҳам шунга қараб бораверади. Бунинг аҳамиятини, теран маънавиятини халқимизга янада чуқурроқ етказиш зарур, деди Юртбошимиз пировадиди.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, ландшафт-дизайнини янада тақомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам монумент пойга гулчамбарлар қўйилди.

Хўсндин БЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яна Самарқандда кўришгунча!

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди



Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик қутлуғ тўйи арафасида кўҳна ва ҳамиса навқирон Самарқанд кўшалок байрам шуқуҳи билан яшади.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бу галги фестивалда ер юзининг барча китъасидан — 56 давлатдан санъаткорлар иштирок этди. Улар қарийб бир ҳафта давомида Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истироҳат боғларидаги сахналарда, Ургут, Самарқанд, Тайлоқ, Пастдарғом, Пайариқ ва Жомбой туманларида ўз истеъдодини намойиш этди. Давлат, тинчлик ва дўстлик, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи турли хил тиллардаги куй-қўшиқлар янгради.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбарининг иштирок этиши ва ўз табриқда мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқларни тили, миллати, дини ва урф-ода-тидан қатъи назар, ер юзидеги барча халқларни бирлаштирадиган, авваломбор, ёш авлодимизнинг онги ва қалбида чуқур акс садо берадиган гоят таъсирчан восита деб баҳолаши анжуман қатнашчиларини янада руҳлантирди.

Халқаро санъат форуми доирасида ўтказилган илмий конференция, турли кўргазма ва бадий ке-

да халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиши муносабати билан фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ижтисомчилари ҳам бўлган.

Фестиваль қатнашчилари бугун жаҳонда турли хавф-хатарлар, молибуят-иктисодий инқироз, глобал муаммолар чигаллашган мурраккаб бир пайтда мазкур мусиқа анжуманининг юқори савияда ўтказилгани учун давлатимиз раҳбари Ислон Каримовга миннатдорлик изхор этдилар.

Халқаро анжуман кунларида иштирокчилар миллий санъатчиликнинг тарихи ва анъаналари, бугунги кундаги ривож билан яқиндан танишдилар. Илмий конференция, миллий чолғу асбоблари, фотосуратлар, хунармандчилик буюмлари кўргазмалари орқали халқимизнинг бой миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлдилар.

Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ва муқаддас қадамжолари, мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, боғ ва хиёбонларни томо-

га етишларида хизмат қиладиган кўллаб замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатаётган фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

...Ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг голиб ва совриндорлари эълон қилинди.

Олий мукофот — Гран-при Жанубий Кореянинг «Содо-содо» гуруҳи санъаткорларига насиб этди. Хитой Халқ Республикаси ва Литва вакиллари биринчи, Ўзбекистон, Россия ва Эрон санъат усталари иккинчи, Туркменистон, Грузия ва мадагаскарликлар учинчи ўринга сазовор бўлди.

Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига турли номинациялар бўйича ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари топширилди.


— Олтимишга яқин давлат вакиллари орасида голиб чиққанамиздан чексиз ҳаяжондамиз, — дейди фестиваль голиби «Содо-содо» гуруҳи раҳбари Пак Жон Ук. — Бу эътирофни халқимизнинг миллий санъатига берилган юксак баҳо деб биламан. Фестиваль кунларида ер юзининг сайқали ҳисобланган Самарқандни томоша қилиш, унинг гўзаллигини баҳраманд бўлиш ва самимий, очикқўн-гил халқини билан дилдан суҳбатлашишга имконият яратган ташкилотчилардан миннатдоримиз. Бу ерда ўтган ҳар бир кун унутилмас, хайрату ҳаяжонларга бой бўлди. Биз юртингизга яна келишни, ушбу муваззам майдонда миллий санъатимизни намойиш этишни ният қилиб, Самарқанд билан хайрлашамиз. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг қутлуғ йигирма йиллиги билан табриқлаймиз.

Маросимда фестиваль голиблари ва юртимиз санъат усталари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

...Фестиваль байроғи туширилди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари икки йилдан сўнг яна мафтункор Самарқандда учрашиш нияти билан самимий хайрлашдилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов ва Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбири.



чалар, учрашув ва мулоқотларда иштирокчи давлатлар вакиллари жойларда ташкил этилган Мустақиллик байрамига бағишланган тантаналарда қатнашдилар. Энг муҳими, бир-бирлари билан фалқ алмашиб, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга интилдилар.

...Самарқанд, Регистон майдони. 30 август, 19.00. Муваззам майдондаги амфитеатр-

ша қилиш жараёнида меҳмонлар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа вақтда асрларга татиғулик улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этдилар. Айниқса, ёш авлод тили-тарбиясига юксак эътибор қаратилиб, уларнинг миллий ва ҳақон мусиқа маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб воя-

Табрик



«Билайн» Сизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллиги
билан табриклайди!



Beeline®

hayotning yorqin tarafida bo'l

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946

10439

nusxada

bosildi.

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00

O'ZA yakuni — 00.50

Topshirilgan vaqti — 02.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Elmurod EGAMQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5